

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Каттақўрғон шаҳар
НОКИМИ
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттақурғана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2015 y.r. «30» сентябр

№ 557-18

Каттақўрғон ш. – г. Каттақурган

“Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўчасида маиший хизмат кўрсатиш
мажмуасини қуришга рухсат бериш тўғрисида”

Каттақўрғон шаҳар ҳокими номига Алишер Навоий кўчаси 132 уйда яшовчи Мирзаева Ҳилола Турсуновнани маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриш учун ер майдони ажратиш бўйича ёзган аризасини, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг экспертиза хулосасини, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУКнинг 2012 йил 5 декабрдаги № 1-10/3048 сонли қелишув ҳатини ва барча тўпланган ҳужжатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54- сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Алишер Навоий кўчаси 132 уйда яшовчи фуқаро Мирзаева Ҳилола Турсуновнага Ингичка кўчаси атрофида фойдаланилмай турган 600 кв. метр ер майдонида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини қуришга рухсат берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар Алишер Навоий кўчаси 132 уйда яшовчи фуқаро Мирзаева Ҳилола Турсуновнага белгиланган тартибда қелишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли ваколатли корхоналардан техник шартлар ва

9/10

тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.

5. Шаҳар бош архитектори О.Розиқов ва шаҳар ҳокимлиги етакчи мутахассиси Ж.Нигматуллаевларга маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини қуришга ажратилган ҳудудни жойнинг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома расмийлаштириш топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



Ш.Ж.Раҳмонов